


Фикр дурдоналари (27-қисм)



09:26 / 13.04.2017 4151

136. Халқ сенинг зоҳирингга қарайди. Холиқ сенинг ботинингга назар солади. Шундай экан, одамлар қарайдиган жой (ташқи кўринишинг)ни зийнатлаб, Аллоҳ жалла жалалуху назар соладиган жой (қалбинг)ни қабих қилишдан эҳтиёт бўл!

137. Кимнинг гуноҳлари кўп бўлса, одамларга сув улашсин. Аллоҳ таоло чанқаган бир итга сув берган бандасининг гуноҳларини кечирган. Энди мўмин одамга сув берган киши ҳақида нима деб ўйлайсан?!

138. Эҳтимол, золим зулм билан кўп нарсага эга бўлар. Лекин мазлумнинг дуоси билан ҳамма нарсасидан ажралади.

139. Афсуски, баъзилар бошқалар ҳақида ёмон гумон қилишни "зийраклик", "закийлик" деб эътибор қилишга одатланиб қолишган. Ёдингизда тутинг: ЁМОН ГУМОН - БОШҚАЛАР БИЛАН БЎЛАДИГАН АЛОҚАНГИЗНИ ЎЛДИРУВЧИ (УЗУВЧИ) КАСАЛЛИҚДИР.

140. Табиблар инсон жисмига виждондан ташқари ҳамма нарсани экиш борасида муваффақиятга эришдилар.

Қуйидаги маълумотлар фейсбукдаги “Роваиъул фикр” (Фикр дурдоналари),
“Ховатир роқия” (Салмоқли фикрлар) каби саҳифалардан олинган.

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси